

ИШОЖАГА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК РЕДАКЦИЯСИНИНГ ОИЛИК НАШРИ

● №5 ● 1988 йил май ●

Қардошлик—энг табаррук туйғу Биз чернобилликмиз

— Соғлиқ қалай, чернобиллик?

— Чернобилдан хат келиб турибдими?

Бу саволларни ҳар кун эшитаман, жавоб ўрнига кулиб қўя қоламан. Чунки жавобга ҳожат ҳам йўқ, ёру-биродарларим аҳволимни яхши билишади. Мен ҳам ҳар бир савол мағзида ўзимга нисбатан аллақандай меҳр, чуқур инсоний ийқлиқ мавжудлигини сезаман. Фақат дўстлар нафасидагина ана шундай ёқимли ҳарорат бўлиши мумкин.

Дўстлик! Бу эзгу ҳис айниқса, мен учун ниҳоятда дилхуш. Негаки, мен тўрт миллат фарзандиман. Ажабланманг, отам ўратепалик тоjik, онам — рус. Ўзим эса ўзбекман, паспортимда шундай қайд қилинган. Гражданлик дафтарчами оилани борганида бланка тўлдирётган турар жой участкаси ҳодимаси саволга тўтди:

— Қаерда туғилгансан?

— Тошкентда.

— Миллатинг?

— Билмайман.

— Отангинг оти?

— Раим.

— Раимми, демак, ўзбексан. Хўш, онангнинг миллатини?

— Ўзбек.

— Исми-шарифлари?

— Нина Ивановна.

— Ие, Ивановна бўлса, онанг руску?

— Бўлса бордир. Лекин фақат ўзбекча гаплашадилар.

Шундай қилиб ўзбек бўлиб қолдим. Ўзбек бўлдим нимаю, тоjik бўлдим нима, мен учун фарқи йўқ. Ветаним Битта—СССР. Шу муқаддас оналарнинг оддий бир ишчи фарзандиман. Аммо дўстлик кучининг неларга қодир эканлигини зилзиладан кейин билдим. Ушунда мен 16 ёшда эдим. Дўст — бошингга кулфат тушганда билинади, деб тўғри айтишган экан. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ватанимизнинг турли бурчакларидан дўстларимиз кушдай қанот қочиб учиб келишди. Бир зумда Россия, Москва, Ленинград, Украина, Белоруссия, Молдавия, Грузия, Қозоғистон уйлари, бутун-бутун кварталлар, массивлар қад кўтарди.

Мана орадан 20 йил ўтгач, украинalik қардошларимиз бошига ана шундай фалокат ёғилди. Аслида ҳарбий комиссариатдан таклиф кутмай Чернобилга ўзим кетарсам ҳам бўларди, бироқ ёлғиз, кекса онамни кўзим қиймади. Таклиф қароримни тезлаштирди. Атом ядросидаги девни жийовлашда мамлакатимиздаги 96 та миллат ва элат вакиллари иштирок этишибди. Биз энгдик. Демак дўстлигимиз ҳар қандай атом бомбасидан ҳам қудратли, шу буюк ва монолит куч олдида қардошлигимизга раҳна солувчилар ҳаммаша ожизлигича қолаверадилар.

Биз чернобилликлар Тошкентда кўпчиликимиз. Ҳаммамиз зиёв-заҳматсиз она шаҳримизга қайтдик. Лекин кези келганда шунини айтиб ўтмоқчиманки, баъзи бировларнинг лоқайдлиги кўнгил ойнасини хира қилапти. Мана, ўзимдан қибс. Радиация таъсирида бошим айланган бўлиб қолди. Кўчада кетаётим, 2—3 марта йиқилиб беҳуш бўлиб қолдим. Докторларимизга раҳмат, бу дардан аста-секин халос бўлаяпман. Аммо тишларим ўз-ўзидан тушиб кетаяпти. Бу ҳам майли. Энг муҳими, соғломман. Бизни ранжитаётган нарсаси шуки, Чернобилдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганларга имтиёзлар бўлишига қарамай мавжуд қўлайликлардан фойдаланиш имкониятига эга эмасмиз. Ҳарбий билетларимизга ана шу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгасизлар, деб ёзиб муҳр босиб қўйилган. Бироқ имтиёзлар билан ҳанузгача таниш эмасмиз. Буни қарангки, атайлаб қилгандай яқинда атрофимиздагиларга табиий газ ўтказиб, биз ва Сайра Еникеева, Қарим Акрамов оилаларини айланиб ўтиб кетишди.

Майли, ҳаёт кичир-чикисиз бўлмайди. Лекин биз шунга ишонамизки, камчиликлар тугатилади, лоқайдларнинг кўзлари очилади, ташвишлар унутилади. Аммо икки нарсаси абадий: дўстлик ва жасорат!

Воҳид ЗИЕВ,
Собир Раҳимов райондаги турар жой
ишлаб чиқариш эксплуатация
трестининг
дурадгори.

Мангитдан мактуб

Ўша гурвак қани?

Саксон ёшдаман, автоном республиканинг Мангит қишлоғида яшайман. Ўшбу мактабимни олимлар, докторлар, академиклар ўқисин, деб атайлаб боғлаёт «Оқшом» газетасига ёзаяпман.

Бундан ҳатто 15—20 йил муқаддам бизнинг дивримида атайлаб одамлар тилини ёрадиган «Олахама», «Шабози бешан», «Хайтои», «Қорабош», «Қайр», «Қариқиз» сингари қовуларни тановул қилиш учун узоқ-узоқлардан келишарди. Қовуларнинг катталигини айтмайсизми, ҳар бири 50—55 килоли «Олахама» ва «Бешан»ларни ўз кўзим билан кўрганман.

Бироқ кейинги йилларда таъмин жуда ҳам айниб кетди,

10—15 килогача кичраиб қолди. Биз бунини олдинда селтиранинг ёмон таъсири деб ўйладик. Бироқ, ўша ўғтини ишлатмай қовуларимизни тўғрида етиштирилганимизда ҳам шираси яхшиланимади. «Хамма»ларимиз кичиллигича қолаверди.

Айниқса, бизни гурваларнинг таъдирини ниҳоятда ташаншлаштирмади. Катталиги 1,5—2 килодан ошмайдиган асал таъми бу қовун халдалан билан баб-баравар пишар, яхши етилганда унинг мағзини косага тўкиб хўриллаб ичаверш ҳам мумкин эди. Афсуски, энди унинг пишиб етилиш мудири узади, қолаверса, маза-матрасиз бўлиб қолди.

Мен бу мактубни шунинг учун ҳам кўяйлиб ёзаяпманки,

баъзи турлари аллақачон йўқолиб кетган бу қовуларни фақат бизнинг ўлкамиз об-ҳавосига мослашган, ҳоло, Эшитимича, бу табиат аҳсоилари дунёнинг бирор жойида бизники каби ширин ва катта бўлиб етишмас экан. Шундай бўлса, олимларимиз нега бу огир йўқотишнинг олдини олишмаяпти?

Ҳозир баъзи бировлар хоразм ва қорақалпоқ қовуларининг айлишини ҳам Орол фожиясига келтириб тақашаяпти. Бу, ахтимо тўғривдир. Лекин ахвол шу зайдда давом этса, аялдорларимизга бу она-ер инт-омларининг фиқат суратларигина қолиши мумкин.

Гулямбобо ШОМУРҲОВ,
темирчи.

Йўлда кетяпсиз. Бирдан кўзингиз «сунъий кўл»га тушади. Сабаби аён: қаердадир труба тешилан, кимдир бу ишда айбдор. «Сунъий кўл» эса мавж уриб ётибди.

Гоҳо қўрилиш бўлаётган, ремонт ишлари олиб борилаётган жойларда, гоҳо квартира, корхона ёки ташкилотларда эйти-борсизлик оқибатида сувнинг исрофи бўлаётганини кўриб кишининг асаби бўзилади.

Табиат нисонга яшаш учун энг нодир нарсалардан бири сифатида сувни ато қилган. Лекин бу оби шифони битмас-туганмас хазина эканда, деб унга ҳафсаласизлик билан қараб ярамайди.

Баъзи фактларини эста олайлик: бир кеча-кундузда Тошкент шаҳрининг ўзиде 2 миллион 200 кубометр ичкилик суви сарфланади. Агар эътиборсизлик билан очик қолган ёки

тузатилмаган биргина крандан оққан сувини ҳисоблайдиган бўлсак, бу суткасида 4300 кубометр, яъни 160 ҳамшаҳримиз бир кунда сарфлайдиган сувини беҳуда исроф қилиш демакдир. Агарда бир шлангдан бир сутка давомида 7000 кубометр сув беҳуда оқсачи, ахир, бу 250 кишига етадиган бир суткалик сув-ку!

Ҳадемай иссиқ ёз бошлан-ди, сувга ҳам талаб ошади.



«Марказ—26» кварталда яшовчи Алимовлар оиласида бугун катта шодиёна.

СУРАТДА: Афғонистондан ўз интернационал бурчини ўтаб қайтган Валиқонининг ояси Мамлакат опа, دادаси Анваржон ака ва акиси Алижон билан учрашув пайти.

Р. Шарипов фотолари.



Дўстим жисмимда менинг

— Ажабланманг, қизим, — деди ота хўрсиниб, — умрим охиригача унутмаслини учун унинг исминини ўзимга кўйиб олдим...

...Щепетовна шаҳри яқинидаги ҳарбий асирлар лагеридан бир гуруҳ ватандошлари билан қочган Султон Абдуллаев украин Тарас бобо ёрдамида партизанлар отрядига келиб қўшилди. Командир номи билан қасоскорлар бўлинимасини Николай отряди, деб аташарди. Портлатилган кўприклар, ағдарилган поезд составлари, нули кўнча соғурилган душман ҳарбий штаблари... Буларнинг ҳаммасида асли психотик партизан Султоннинг ҳиссаси жуда салмоқли эди. Командир уни мардлиги ва уйдабуронлиги учун ҳам жуда ҳурмат қиларди.

Шаҳарни қочаётган фашист қолдиқларидан тозалаш ва Қизил Армиянинг эррин ҳаракат қилишга имконият яратиб бериш учун ҳаёт-мамот жанги кетмоқда эди. Бир пайт ёнида душманга ўқ отаётган Николай:

— Абдуллаев! — деб бақирди ва ўзини Султоннинг олди-га ташлади, Евгений Султонга отган ўқ Николайга келиб тегиб, уни ҳалок қилди. Бу фидойилик Султоннинг қалбини тигдай тилиб ўтди.

Эртаси кун партизанлар қўшилмасининг командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Антон Одуха жангларда мардлик намуналарини кўрсатган Султон Абдуллаев партизанлар отрядини бошқаради ва бундан кейин у Султон отряди, деб аталади, дейди. Шунда Султон даст урдидан туриб:

— Йўн, уртоқо командир, — деди қатъий оҳангда. — Мени улимдан сақлаб, ўзи ҳалок бўлган дўстимнинг исминини ўзимга кўйдин. То улғунимча унинг исми ҳам, руҳи ҳам жисмимда яшайди. Отряд ҳам Николай номида қолaversин...

Антон Одуха Султонни бағрига босди ва кўз ёшларини артиб:

— Раҳмат, уни унутма, ука! — деб қўйди. Урушдан кейинги тинч меҳнат фронтида ҳам ўнга яқин нишонларга сазовор бўлган Николай Муҳаммедович Абдуллаев ўз хотирасини шундай янгулади:

— Жангдан Николай бўлиб қайтдим. Дўст кулфатда билли-нади. Қонли нечувларда тобланган қардошлигимиз метиндай мустаҳкам, унга ҳеч ким раҳна сололмайди.

Ҳа, қардошлик бизда асли қариндошлиқдир. Дилбар УРИНОВА,
ТошДУ журналистика факультетининг студенти.

Қатраси қадрли

Обишифо

Пансионатнинг янги директори, медицина фанлари кандидати Мунаввар Бузрукович Ортиқов билан куйидаги мазмунда суҳбат бўлиб ўтди:

— Айтмасангиз ҳам мақсаднингизни аниқлаш: фарзандлари доғ-ҳасратга ташлаб кетган кексалар тўғрисида ёзмоқчисиз?

— Ота-оналари олдидаги муқаддас бурчларини унутган баъзи ноқобил фарзандларни газетхонлар билиб қўйишса ёмон бўлмасди...

— Бу фикрингизга мен ҳам қўшилман. Ота-оналаримиз олдида қарзларимиз кўп. Бу қарз зимманимизга бутун умр катта масъулият юклайди. Лекин, сизга бошқа нарсани айтмоқчиман. Хизмат юзасидан республикамизнинг узоқ қишлоқларида бўлдим, қариганда тошмехр фарзандлари, келинлари қўлига қараб қолган кексаларни кўп кўрдим. Бир коса овқат нима деган нарсаси? Шунинг дастурхонга дўққиллатиб қўйиб кетса, кексанинг гапини гап ўрнида қўришмаси... Айниқса, ёлғиз қарияларга қийин. Ҳамма келинлар ҳам уларга очик-чирой беришавермайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: шу кишилар бизнинг пансионатга келишса, бу ерда беминнат ҳаёт кечиришса, ахир эмасми? Тўғри, бизда орийат кучли, ота-онасини боқолмабди, де-

ган маломатдан кўрқишади. Баъзилар орийат қилишадими, ўз бурчларини унутиб қўйишади. Ахир, кишига кексайган чоғида тинчлик, осойишталик, ғамхўрлик керак. Пансионатимизда эса, ҳамма қўлайликлар мажбур.

Дароқе, орийат ва бурч... Бунинг ҳар ким ўз билганича тушунади. Бизда ота-онасини бо-

ветерани Комилжон ота Кўчиёвни таништиришди. Урта бўйли, оппоқ соқоли кўксини қоплаган отахоннинг юзидан нур ёйилади. Ўрнидан туришини осонлаштириш учун қаравот темирбегга мослама қилиб қўйишбди. Ота ўшани ушлаб, минг машаққатда ўрнидан турди, анчагача ҳансираб, ўзига келолмади.

киш Ҳанифам бўйнимдан қучоқлаб, ҳўнграб йиғлайди денг, қани юпатоқсам! Ота-бона ҳўп йиғлайди. «Сени бир амаллаб боқиб оларман, қизим», — дедим. — Онангнинг жазосини ҳаётинг ўзи беради». Кейинчалик қизимни қариндошларимиздан бири олиб кетди. Чунки, инвалидман, ўзимни ўзим зўрга элпайман. Орадан кўп

Ҳаётда кўп машаққатларни, жангужадалларни кўрдим, Улуғ Октябрь ғалабаларини мустақамлашда қатнашдим, кексайганимда давлатимиз ҳамма қўлайликларни яратиб берди. Яхшигина квартирам бор эди. Турмуш ўртоғим вафот этгач, уйимни давлатга топшириб, пансионатга кўчиб ўтдим. Одам ёлғиз яшай олмади экан. Бу ерда ҳамдард дўстларим кўп. Бунинг устига шароит яхши, ҳаммиса врачлар назорати остида бўламиз.

— Давлатимиз шунча мабдағ сарфлаб кексалар учун оромгоҳ ташкил этди, — деди суҳбатимиз охирида Мунаввар Бузрукович, — бу ердаги кишиларга мунтазам медицина хизмати кўрсатилади, лозим бўлса санаторий ва курортларга йўлланмалар берилади. Тошмехр келинлари, ноқобил фарзандлари қош-қовоғига қараб қолган муҳтарам отахон-онахонларга айтмоқчиманки, пансионатимизга келинг, сизларни қучоқ очиб қутиб оламиз, қариган чоғингизда осойишта ҳаёт кечиришингизни таъминлаймиз.

Ҳа, бизда ҳеч ким кўчада қолмайди. Ҳалол меҳнат қилган, боқувчисини йўқотган кишиларни кексайган чоғларида давлатимиз ўз бəғрига олади, беминнат парвариш қилади. Эсон ҚОСИМОВ.

Кексалар кўнгли—нозик

Ўқсиманг, ота!

шида кўтариб, худди гўдакдек парвариш қиладиган садоқатли фарзандлар жуда кўп. Етти қават кўрпача устида, неварачеваралари қуршовида яйраб-яшнаб ўтирган нуруний онахон-отахонларни кўриб, кўнглингизга нур қўйилади. Ҳаётимиз ана шуларнинг нурафшон чехралари, олтин-жавоҳирларга тўла панд-насихатлари билан гўзал эмасми?

Республика кексалар пансионатининг терапевт врачлари Комилжон Маҳмудов билан кексалар ётган хоналарни айландик. Бизга меҳнат ва уруш

— Урушда орттирганман, ҳаво етишмай қолади. Қандай яшайсиз, дейсизми? Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат, кетга ғамхўрликлар қилмоқда. Э, ўғлим, ҳаётимни сураманг. Турмушининг кўп машаққатларини кўрганман. Асли Балиқчининг Қўрғонча қишлоғиданман.

Кўз очиб кўрган хотинимнинг бевафолиги туфайли шу кўйга тушдим. Мен қонли жангларда инвалид бўлиб қайтиб келсам, у бировнинг этагини ушлаб, беш яшар қизимни ташлаб кетибди. Боя-

йиллар ўтиб, пансионатга келганимда қизимнинг дарағи чиқди: Ғалаба районидаги Киров номили колхозда яшар экан, 8 та фарзанди бор экан. Яна ота-бона топшиқди. Бурноғи йилли қаттиқ касал бўлганимда ёнимдан жилмай, парвариш қилди...

Партия ветерани Ефим Айзикович Перлин хонасидами. Хонани худди музей дейсиз: турли хил альбомлар, «Фахрий ёрлик»лар, ҳужжатлар...

— Мен сизга айтсам, кишилар бу ерга қувонч-тантана билан келмайдилар, — деди у.—

Мушоҳада учун мавзу

Киракашлар

Кейинги пайтларда шу сўз муомаламизда тез-тез тақдорланганидан бўлиб қолди. Тасни ҳақи ўрнига «Кира ҳақи неча пул?» деймиз. Шофёр! оғайнлардан «Ишлар қалай?» деб сўрасангиз «Ҳа, тиричилиги, кирakashли қилман» деб жавоб қилишади. Баъзи шахсий машинаси мавжуд танишлар гердайиб «Кооператив яхши бўлдида, ойна минг сўмдан ошириб ишламан» дейдиганлар ҳам учрайдиган бўлди. Ҳўш, бу соҳадаги аҳвол қалай? Шу сабабга мухбиримиз билан суҳбатда шаҳар автоспециалисининг ходими, милиция капитани И. Раҳимов куйидагича жавоб қилди:

— Ҳозир Тошкентда иккинчи мингта яқин шахсий таксилар мавжуд. Ўтган йили ташкил этилган «Экспресс» да мингдан ортиқ, «Чайна» автокооперативидида 800 машина бор. Ҳозир бу шахсий таксилар ёнган Фрунзе районидаги «Буревестник», Сергелидаги «Спутник» автокооперативини ҳам қилиб қўйишди. Кейинчалик ҳар бир районда ана шундай автокооператив очиб мўлжалланмоқда. Бундан ташқари район иқтисод комитетининг руҳсати билан бир йилда 560 сўм патент тўлаб кирakashлик қилаётган машиналар ҳам бор.

Биргина «Чайна» автокооперативини олиб кўрайлик. Унинг раиси Сурыат Зоҳидов билан бўлган суҳбатда куйидагилар аниқланди: автокооператив ўтган йилнинг 2 апрелида ташкил қилиниди ва 7 июлдан иш бошлади. Олдинки 20 та, кейин 50 та, 1988 йилнинг бошларида 300 та, ҳозир эса 800 та автокооператив аъзоси бор. Агарда ана шу машиналар ҳар ойда 60 сўмдан топширса, бир ойда 42 минг сўм тушади. Аммо ҳайдовчиларнинг касал бўлиши, машинаси бузилиб қолиши, ишхонасидан командировкага юборилиши мумкин. Ана шунда автокооператив аъзоси талон қарточкасини идорага олиб келиб ваъжияти тушунтиради. Унинг ишда бўлмаган кунлари кейинги ойда ўтказиб берилади.

Шу йилнинг тўрт ойида автокооператив аъзолари 90 минг сўм топширишди. Жумладан, январда 13 минг, февралда 16 минг, мартда 24 минг, апрелда 37 минг сўм. Машиналар сони кўпайган сари даромад ҳам ўсди. Шундан нақ 70 проценти фонди ривожлантиришга, 5 проценти страхование фонди, 5 проценти подоход налогига ва 20 проценти кооператив идорасидаги 10 кишига маош тўлаш учун ажратилади. Январ ойида ҳар бир кишига 400 сўмдан 600 сўмгача ҳақ тўланди. Апрель ойида бу янада ошди. Устахоналар, диспетчерлик пунктлари қуриш, автокооператив аъзолари учун ахтиёт қисмлар етказиб бериш муаммолари ҳал этилмоқда. Ҳозир Янги-обод массивида диспетчерлик пункти қурилмоқда. Ҳақи йўлидаги 0,5 гектар ерда 80—70 минг сўм сарфлаб, машиналарнинг ремонт қилиб берадиган устахона очилди. Аммо керакли ахтиёт қисмларни қардан харид қилиш масаласи очик қолмоқда.

Автокооператив аъзоларининг беш нафар пенсионердан ташқари ҳаммаси ишдан ажралмаган ҳолда кооперативга жалб этилган. Улар шахриманинг турли бурчқаларида ишлашади. «Запорожец» машинаси учун ҳар ойда 40 сўм, қолган барча марказдаги машиналар учун 60 сўмдан тўлашади.

Умуман олганда, бу соҳада кооператив ташкил этилгани яхши. Ёнгли шахсий таксилар сони кўпайиб йўловчиларга қўлайлик яратилди. Ёнди йўловчилар эмас, таксичилар йўловчини ахтаришмоқда. Бунинг нимаси ёмон? Менимча, қорхона ва ташкилотларга қарашли бўш автобус ва юк машиналар хизматидан фойдаланиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Шанба-якшанба кунлари тўй ва томошалар, маросимлар бўлиб туради. Автокооператив орақли ҳайдовчига ҳам, унинг ишхонасига ҳам ҳақ тўлаш мумкин. Бу фойдалан ҳоли бўлмайди. Аммо автокооперативдаги шахсий таксиларни

менимча автомобиль транспорти министрига ихтиёрга топшириш керак. Чунки, ҳайдовчилар назорат йўлиги сабабли узоқошимча бўлиб кетишмоқда. Шаҳар бўйича уларни бир ерга бирлаштириб, худди Ригадаги каби шахсий таксилар учун бир неча пунктдан иборат ағона қонида ишлаб чиқиш лозим. Ҳар бир шахсий такси ҳайдовчиси ана шу қондага итоат қилгандагина уни автокооператив аъзоларида қолдириш керак. Негаки, тартиббузарлар сони кўпайиб бормоқда. Шундай қондабузарлар устидан 45 та акт тузилди. Юнус-обод массивидаги 3-квартал, 8-уй, 3-квартирада яшовчи Ҳамидулло ҳеч қаерда ишламайди. Шахсий такси деб ёзилган и 18—95 ТН номерли машинаси билан Фрунзе савдо шоҳобчасидан Тошкент автовокзалига 2 сўмга йўловчи олган. Ҳайдовчидан автокооператив аъзоларига ҳужжат сўралганда, унда ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги маълум бўлди. Чилонзор массивидаги 48-уй, 23-квартирада истиқомат қилувчи «Москвич» 21—40 маршали з 89—77 ТН номерли машина ҳайдовчиси Измайловдан ҳам ҳеч қандай ҳужжат топилмади. Худди шундай қонда бузиш э 20—82 ТН машинаси ҳайдовчиси Шоноусов, в 24—42 ТН номерли «Волга» ҳайдовчиси Ёқубов томонидан ҳам содир этилди. Баъзи бир автокооперативнинг шахсий такси ағалари муддати ўтиб кетган ва ана, уна ёни қариндошларига ёзилган талон қарточкаси билан йўловчиларга хизмат кўрсатишмоқда.

Ҳозир шахримиз бўйлаб ҳар кун йўловчилар хизмати 3 минг 245 та давлат таксиси чиқарилаши лозим. Аммо бир кунда 3 минг 218 та, белгиланганидан 27 та кам машина чиқаришмоқда. Бу кетишда ҳозирги автокооперативнинг 2 ярим мингта шахсий таксиси давлат таксиси сонидан ошиб кетди. Бу борадаги яхши бошланган иш пулларасталина айланиб кетмаслиги керак.

Суҳбатини
Абдулла НУРИМОВ
уштурди.

1 ИЮНЬ — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ



Энг эзгу орзулар болалар оламида мужассам. Тошкентлик эриятларимизнинг асфалтга тушираётган ушбу суратларига диққат билан бир қарз солинг-а: гул, оқ кабۇтар, ўлар... — ҳаммаси гулгун турмуш, тинчлик, фаровонлиқнинг рамзи белгиларидир.

Р. Альбеков фотоси.

Қатра

А ф с у с

Қўлимдаги беҳи жуда ширин, менга беҳи узатган қиз эса сулузу эди. Бир беҳи тишлаб, бир рўпарамда ўтирган қизга қарардим. Беҳини бунчалик ширин бўлишини энди-энди билётганимдек, бу каби гўзал қизни ҳам илк бор учратганим эди. Бир вақт беҳини баҳузур қарсиллатиб тишларанман, ўнг томондаги тишларимдан бири «қарс» этиб синиб тушди.

— Бола бўлганимда ҳам майли эди, энди ўринга тиш ҳам чиқмайди, — дедим меҳафа бўлиб, синган тишини қўлимга олиб. Гапимдан қиз ҳам маънос тортиди.

— Қўйинг, ачинингизга арзаймайди, — дея дадла берди у ўзига келиб. — Тиш қўйида қолмас.

— Тўғри айтасиз, ачинингизга арзаймайди, — дедим мен ҳам унинг гапларини тасдиқлаб. Сўнг қўлимдаги «ғуноқдор» беҳига қарадим. Ташлаб юборишга кўзим қиймай чап томоним билан қайта тишладим.

— Ширин эканми? — қиз кўлди.

— Жудаям. — Мен ҳам кулиб юбордим. Кейин ҳамма нарсани унутиб, кулиб турган гўзал қизга муҳаббат ҳақида сўзлаб бошладим. У бош эгганча жимгина тингларди...

Чўчиб кўз очдим: қўлимда баҳи, ёнимда на гўзал қиз бор эди. Бенхтиёр тушган тишимга қўл чўзим — у ҳам ўз ўрнида эди. Лекин туриб-туриб алданганим жуда алам қилиб кетди. Еш боладек ҳўнграб йиғлагим келарди. Кўнглим шу тоғда қиз узатган ширин беҳини, ўша меҳрибон, сулузу қизининг суҳбатини қўйсарди. Ҳади бўйдоқ эдим-да!

— Қани энди ҳаммаси ўнгимда бўлса-ю, тишнинг тушунишга ҳам рози эдим, — дедим секин. — Алданган мунча ёмон-а!

Ишқилиб, ўнгимизда алданмайлик!

Адҳам ДАМИНОВ.

Оқ йўл

Ёш кўнгил мавжлари

Яқинда редакциямизга қорачадан келган, соддагина бир қизча кириб келди. Узини Муқаддас Назарова, деб таништирди. Ёзган шеърларини бир дафтарга туширибди. Ёзган номини ҳали ҳеч ким танимайди. Шеърларини бирорта редакцияга кўтариб бормаган. Олдимизда ёзганларим ярамаккин, деган ўйда қимтинибгина ўтирибди.

Дафтарини varaқлаймиз... Дастлабки шеърини ўқишимиз билан ундаги ҳарорат, ёниқ дил мавжларини сездик, димо-

гимизга боғлар ҳавоси, она тупроқ ҳиди урилди, тандир бошида қуйилиб нон ёпаётган момолар кўз олдимиизга келди, булоқ бўйида сирлашаётган ўктам қизлар гавдаланди.

Муқаддаснинг шеърларига қалам тегишмадик, газетхонлар уни шундайча ўқисин, фикр-мулоҳаза билдирсин, дедик. Бу жасоратимиз учун шеърятимиз билмидонлари бизни маъзур тутсинлар.

Тетопояларга эса «Мушоҳада» ҳамisha мунтазир.

Хайр-хўш

Ота, хайрлашдик сен билан яна,
Сен билан, бемаъно сўзларинг билан.
Аммо хижолатда ўтдик куну тун,
Совуқ титроқлардан бўшашиб бу тан.
Биламан, ичкилик дўст эди-сенга,
Унсиз дастурхонда емасдинг ош-нон.
Йўқ бўлса дўқ уриб мушфиқ онамга,
Ишқ ўрнига бердинг аччиқ пушаймон.
Келдинг «Ичкиликни ташладим», дея,
«Ота» сўзин яна эъзозладик биз.
Арақхўр кимсалар билмас тарбия,
Тагин ичмоқдасан, эҳ, эсиз, эсиз!
Отам ёмон деа айтолмасман, йўқ.
Сени ёмон десам кўним кўр бўлғай,

Қанча ичсанг ичгин, ахир, бир кунни
Арақ адо бўлиб нафсинг тийилғай.
Лекин, илтимосим бор манин, ота
Қулоқ солмай юзларингни бурмагин.
Мушфиқ онам хаста ётар тўшагин.
Тиз чўкаман, жон отажон, урмагин!
Онамиздан бошқа ғамхўримиз йўқ,
Бошида йиғлайман сочларин силаб.
Отажон, майли ич, лекин илтимос,
Онамни урмагин ерларга бўлғаб.
Бас, ота сўнгги бор хайр-хўш эиди,
Меҳримиз чининис чилпарчин синди!

Муқаддас НАЗАРОВА.

Донубува даврасида

Заҳар дастгоҳлари

Эвоҳ Каримахоннинг боласи яна бруг дунёни кўрмай кетибди. Насофат заҳарнинг таъсири бу. Ахир, умри узун бўлгурс эр дўхтир бўлатуриб, наҳотки ичкиликнинг ўзи тиниқ, оқибати хунук эканлигини тушунмаса? Лоақал энди тушунишни керак эмасми? Қараган, улар тўққиз фарзанд кўришди, шу арақ туфайли, эвоҳ ва яна эвоҳ, бирортаси ҳам турмади. Фақат бир фарзанд узокроқ яшади: уч йил умр кўриб оламдан ўтди.

Азизларим, партиямиз — Ленин бобо ибораси билан айтганда, давр ақл-идрон, умумхалқ донолигидир. Шунинг учун ҳам унинг азму-қарори кўпчилиқ қалбига дарров кириб бораётган. Демакким, партия томонидан ичкиликбозликнинг таг-томирига болта уриш лозимлиги шарт қилиб қўйилгани, бас, буни ота васийатиди бекаму-кўст иккоро этмоқ зарур. Афсуски, баъзи бировлар бунинг гирт жинойт эканлигини билатуриб, томат пастаси ва шакардан гугурт чақса ёнадиган арақ тайёрлашаркан. Мана, менинг котибларим А. Нурбек ва Д. Облаев билан Со-бир Раҳимов район милицияси казо-назоратидан олган ушбу рақамларимизга бир кўз югуртиринг-а: ўтган йилнинг 12 ойи мобайнида маъмурий орган ходимлари томонидан 28 та самогон аппаратлари мусодара қилинган бўлса, шу йилнинг тўрт ойида эса 39 та шунанга заҳар дастгоҳлари эгалари билан бирга ички ишлар бўлимига келтирилган.

Эҳтимол азизлар, дастгоҳ деганимда бирор цехдаги каттакон ускунани кўз олдимиизга келтираётган бўлсангиз керак. Ҳи, хи, хи, уша, ха, уша ўзимизнинг манти қозону, битта тоғора ёки қопроғи тешилган наслрол билан бурама мис тру-бача — дастгоҳ деганлари шу. Эҳ, шу самогонни деб манти қозондай ҳалол луғмадонимизни яхши ҳаром тувалани айлантиришдан тойишмаппти, бу зангарлар.

Ешларинику ёш десак қариб қуюлмаган баъзи пенсионерларни не жин урдит Тагин аёл киши-а! В. А. Герасимов етмишини қоралаб қолган кампир. Шумилово товар станциясидаги 13-уйнинг 17-квартирасида истиқомат қилган, уни милициянинг участка вакили

А. Мирзаев самогон қайнатаётган пайтда қўлга туширибди, ундан 6 литр оғу сотишга тект қилиб қўйилган пайтда йиғиштириб олинди. Хўш, бу нурунийга нима етишмайдик? Сағбон кўчаси, 8-тупик 54-а уйда турадиган Муҳаммадшер-вон Бекаев 20 литр оғуни тайёрлаб бўлган пайтда қопқонга илдинди. Қорақамийш 2/3 массив 6-уй, 13-квартирода турадиган Нина Солдатова эса бир челақ ачитқи ва шакар, яъни самогон хом ашёсини тайёрлаб қўйган пайтда ушланб, 120 сўм маошининг 100 сўмини жиноий ишга қўл урган учун жарима тарзида тўлашга мажбур бўлди.

Участка инспекторлари ва БХСС ходимларидан жуда мамнун бўлдим, азизларим. Улар уйда самогон тайёрлаб, уни лширин пуллаётганларин тавбасига таянтиришмоқда. Жумладан, Аэропорт кўчаси 6-уй, 9-квартирода яшовчи В. Романовдан уйда қайта ишлаш учун тайёрлаб қўйилган 60 литр хомашё ва самогон қиладиган аппарат тортиб олинди. Пулпараст Л. Парохина 3,5 литрли самогоннинг ҳар бири, ни 18 сўмдан пуллаётган пайтда тушугидан илдинди. Унинг уйи тинтув қилинганда самогон қиладиган аппарат ва қайта ишлаш учун тайёрлаб қўйилган 60 литр хомашё топилди.

Ичкиликбозликка қарши курашининг олдинги сафида бўлишга даъват этилган ўртоқларининг ўзлари самогон тайёрлашда қатнашаётганлиги ташвишлантиради кишини. Жумладан, турар жой участкалари ходимлари коммунал уйларда ҳар қандай тартиббузарлик учун масъулдир. Аслида эса.. Мана, бўёгини эшитинг, муҳтарамлар. «Олимпия» массивидаги 5-уй, 61-квартирода яшовчи А. В. Табачников ЖЗУда слесарь бўлиб ишлайди. У уйда 40 литр самогон хомашё билан қўлга тушиб, таваба-тазарру билан аранг қўтилди. Шунингдек, 93-ЖЗУ ходимаси Барно Абдувоҳитова эса 60 литр брага тайёрлагани учун мазооланди. «Олимпия» массивидаги 5-уй, 5-квартирода яшовчи Феня Жунова асосий насби кранчикдан ташқари уйда самогон тайёрлаб сотиш билан ҳам шуғулланади. Мақсад — мўйай пул. Қани,

унинг уйдан топилган 80 литр самогоннинг ҳар литрини 30 сўмга чақиб кўрингичи: тунги бозорда сотилса, оз эмас кўп эмас, атғи 2400 сўм пул бўлар экан. Бу — ишдан кейин, тунда пусиб қилинган атиги бир ҳафталик меҳнат маҳсули. Шу масивдаги 10-уй, 39-квартирода яшайдиган Л. Е. Екшавдан 60 литр, 1/3-Қорақамийш массиви, 37-уй, 64-квартирода яшовчи гирт текинхўр З. Н. Ковалевдан 50 литр, Сағбон кўчаси 19-тупик, 18-уйда яшовчи З. Омоновдан 45 литр самогон ва оғу дастгоҳлари шахар ички ишлар бошқармасининг саритлар ертўласига келтириб топилриди.

Владимир Петров ички ишлар министригининг олий таълими курсида хизмат қиладди. Унинг уйдан ҳам 6 литр самогон, 78 литр брага хомашёси топилди. Маъмурий органлар системасида ишлайдиган киши учун бундан ортқ шармандалик бўлмаса керак. Ҳаммани кеңириш мумкин, аммо инсон ҳаёти учун жа-вабгар шахсларнинг арақ туфайли фоҳиша келтириб чиқариши мумкин бўлган қилмишлари газаб ва нафратга лойиқ. 2-автобус парки шо-фёри Жўраов Мирзаев уйдан 20 литр самогон маҳсулотни мусодара қилинганлиги ва жарима ундириб олинганлиги, менимча, бу хилдаги насб эгалари учун етарли эмас. Ахир, у эртаси нуни арақ таъсири тарқамасдан туриб рулга ўтириши ҳам мумкин-ку!

Муҳтарам ҳамшаҳарларим, арақнинг оғу эканлиги ҳаммамизга маълум. Аммо шу умр кушандасининг ниш отишида сиз билан биз беайбимизми? Агар магазинларимизда томат пастаси ёки шакар бироз камчил бўлса, аюҳаннос солишни аллақачон ўзлаштириб олганмиз. Лекин қўшнимиз уйдан самогон сассиги бурқисса фақат бурнимизни аюҳаннос солишга ўрганган ўша оғзимизни ҳам беркитиб ўтиб кетаверамиз. Нима учун? Ахир, самогончилар фақат ҳаётимизга эмас, ўзимиз, бола-чақаларимиз рисига ҳам чанг солишмаптинку!

Ҳой азизлар, қўшни уйданги жиноятни билиб билмаслики олиш бу — андиша эмас, асинсиза жиноят, ўша жиноятга шериклидир.

Ажрим айбдорлари

ёки «қўйди-чиқди»ларда фақат эркаклар гуноҳқорми?

— Бу саволга жавоб бериш учун ажралиш сабабларини чуқурроқ ўрганиш керак, — деди Чилонзор район халқ судьяси Отаназар Ёқубов. — Ўтган йили мингдан зиёд эр-хотиннинг аризаларини кўриб чиқдик. Қўллари ярашиб кетишди. Кўпчилиги эса муроасага кўнмади...

Ҳозир хотин-қизлар илгаригидек эркакларга бутунлай қарам эмас. Давлатимиз уларни оқ пахтага қўйиб, авайлаб-эъзозламақда. Ҳуқуқларинику, санаб тутатолмайси. Бу оталарча ғамхўрликка жавобан эл-юрт равнақига ривож қўшаётган оқила аёлларимиз жуда кўп. Қаредани, хотин-қизлардан раҳбар бўлса, шу ерда барака, ўзаро то-тувлик ҳукмор. Аммо, ҳамма ҳам бирдек эмас. Ўз ҳуқуқларидан етти газ кўтарилиб, ўзлигини йўқотган аёлларимиз йўқми?

Тунов кўни қиз билан онанинг суҳбатларини эшитиб қолдим.

— Битта боланг билан ўлиб қолмасан, ажралиш. Қўртдек қилиб алимент тўласа кўзи очилади.

— Эрсиз ҳам мана бундоқ — қизи қўлини томоғига олиб келди, — ишайман. Ёлғиз оналарга ёрдам бериш ҳақида қарор чиқибди. Ўшанинг уйда ивирсиб юргандан ўйнаб-кулиб қолганим яхши эмасми?

Қорақамийшлик Акбар Мирсоатов Ўзгал исми қизга уйланди. Улар бир-бирларини кўришмаган эди. Дастлаб бинойидек яшадилар. Бироқ, онлада фарзанд туғилмади. Ўзгал ота-онасиникига тез-тез кетиб, эрини ҳурмат қилмасди. Бир-кўни у ўз маҳалласидан одамлар билан келиб, кўч-кўронини машинага юклади, хайр-маъзурни насия қилиб, жўна кетди.

— Мен оилани тиклашга ҳаракат қилдим, бўлмади, — деб ёзади Акбар. — Ниҳоят ажралидик.

Ажралиш ҳақидаги ишлари қўриляётганда Ўзгал ҳомиладор эди. Ўдак туғилар, воёга етиб, катта булар. Лекин, отасиз, ота меҳрисиз ўсади. Ёнгилтаклик, эрсиз яшаб ҳам «ўлиб» қолмасликиа ишонч айрим аёлларимизни охир-оқибатда ғам-ташвиш гирдобига ташлайди.

Рус адаби А. И. Герценнинг қўйдаги гаплари жуда ўринлидир: «Ўз эрининг... оруз-хаваслардан беғона яшаган, уларни рубга чиқаришга интилмаган аёл бор-йўғи эркакнинг ўйнаши, тежамкор бека, энагадир, лекин, хотин деб аталган олижаноб сўз замиридаги ҳақиқий аёл эмас...»

Халқимиз «Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин», деган нақлни бежиз тўқмаган. Хотин ўзининг латофати, покзаллиги, ширин сўзлиги билан эрига обрў келтиради, уйга файз киритади. Бунинг акси бўлсачи? Сизларга бир воқеани айтиб берай:

Усмонаниннинг узок йиллардан бери кўришмаган дўсти меҳмон бўлиб келди. Тили заҳар, жанжалкаш хотини эрига зугум қилди: «Меҳмонингиз қачон кетади?». «Секинроқ, қадрдон дўстим-а, шунча жойдан қидириб келибди...» «Бизнинг уй меҳмонхона эмас». Меҳмон бу гапларни эшитди. Бир-икки пиёла чой ичгач, кетиб ҳаракатига тушди. Меҳмон кетгандан сўнг уйда «қиемат-қоийм» бошланди: хотин қўлига илашган нарсаларни эрига отар, «Меҳмонинг билан қўшмозор бўл», деб шангилларди. Бундай воқеалар биринчи марта бўлётгани йўқ эди. Усмонани хотин билан ажрашди, икки фарзанди ҳам кўзига кўринмади...

Халқ суида бир аёл билан суҳбатлашдим.

— Эрингиз билан нега ажралишасиз?

— Вой, шу эрми? — У бўялган лабларини бурди. — Онаннинг гапидан чиқмаса, айтган йўриғимга юрмаса, бошимга ураманими?!

Аёлнинг айтишича, эри уйланаётганда «Сизни бошимга кўтараман», деган экан. Мана, кўни энди қари онасини парваришлашга, идиш-товоқ ювишга қолибди.

Сиз, муҳтарам газетхон, қандай ўйлайсиз, билмадигу, бизнингча, оилада эркакнинг ўз ўрни, ҳурмати бўлиши керак. Оқила аёл жангари, асов эрларини хушхўлди, тадбиркорлиги билан «жиловлаб» олади, қийинчиликлар, рўзгор ташвишлари олдида каловланиб қолмайди, эрининг қариндош-уруғлари, ака-укалари, дўстлари билан тил топишди, эртанги кўнини, болалари келажакини ўйлади.

Мавзу ниҳоясида қадимги юнон файласуфи Геродотнинг фикрини келтирмақчимиз. У шундай ёзади: «Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч қаерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулоимликка дуч келмасин».

Эсонали ТОШМАТОВ.



Тошкент кинофестивалида. Дастхат санъаткорнинг ўз мулкисига ҳурмат-эҳтиромидир.

Р. Шерипов фотоси.

